

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

<https://doi.org/10.7281/zenodo.19408247>

Ҳамидов Улугбек Бахронович

*Хоразм вилояти Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг бошқармаси бошлиғи
ўринбосари*

Тел: +998934643773

Ҳамидов Улугбек Бахронович

*Заместитель начальника управления Департамента по борьбе с налоговыми
и валютными преступлениями и легализацией преступных доходов по Хорезмской
области.*

Тел: +998934643773

Khamidov Ulugbek Bakhronovich

*Deputy Head of the Department for Combating Tax and Currency Crimes and the
Legalization of Criminal Proceeds in the Khorezm Region.*

Тел: +998934643773

Аннотация

Ушбу мақолада инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида прокуратура органларининг вазифалари, функциялари ва фаолият йўналишлари таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонун нормалари асосида прокуратуранинг қонунийлик устидан назорати, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноий таъқибни амалга ошириш каби асосий йўналишлари очиқ берилади. Мақолада прокуратура тизимидаги ислохотлар зарурати ва унинг конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги ўрни ҳақида илмий хулосалар баён этилган.

Аннотация

В данной статье рассматриваются задачи, функции и направления деятельности органов прокуратуры в сфере защиты прав и свобод человека и гражданина. На основе Конституции Республики Узбекистан и Закона «О прокуратуре» раскрываются основные направления прокурорского надзора

за соблюдением законности, осуществление уголовного преследования и координация деятельности правоохранительных органов в борьбе с преступностью. В статье также обоснована необходимость реформирования прокуратуры и усиления её роли в защите конституционных прав граждан.

Annotation

This article analyzes the tasks, functions, and areas of activity of the prosecution authorities in protecting human and civil rights and freedoms. Based on the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the Law “On the Prosecutor’s Office,” it examines the main directions of prosecutorial supervision over legality, criminal prosecution, and coordination of law enforcement agencies in combating crime. The article also substantiates the need for reforms in the prosecution system and its strengthening in protecting citizens’ constitutional rights.

Калит сўзлар

прокуратура, ҳуқуқ, эркинлик, назорат, жиноий таъқиб, қонунийлик, фуқаро, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мувофиқлаштириш, суд.

Ключевые слова

прокуратура, право, свобода, надзор, уголовное преследование, законность, гражданин, правоохранительные органы, координация, суд.

Keywords

prosecution, law, freedom, supervision, criminal prosecution, legality, citizen, law enforcement, coordination, court.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси прокуратурани ягона марказлашган тизим сифатида белгилайди. Шу билан бирга, унинг ваколатлари, тузилиши, фаолият тартиби, мақсад ва вазифалари, давлат органлари тизимидаги ўрни ҳамда бошқа катор масалалар алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва кундалик вазифасига айланди”. [1]

Прокуратура назоратининг мақсадлари унинг давлатдаги мақоми ва вазифалари билан белгиланади.

Т. А. Диканова прокурор назоратнинг ягона ва якуний натижага - қонунийликни таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган деб таъкидлайди. [2]

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратураси тўғрисидаги қонун”нинг 1-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

-қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш,

-фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш,

-ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ушбу вазифалар бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, фуқаролар ҳуқуқларига риоя этиш қонун устуворлигини таъминлашнинг кафолати бўлиб, натижада жамият ва давлат манфаатлари ҳам ҳимоя қилинади.

Н.В. Фаварисовнинг фикрича, прокурор назоратининг вазифалари - мақсадларга нисбатан аниқроқ, чегараланган ва хусусий категория ҳисобланади. [3]

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-кидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жинойтчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жинойтлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Ушбу вазифалар прокуратура органларининг давлат тизимидаги ўрнини белгилайди ва унинг давлат механизмдаги мақсадини очиқ беради.

Прокуратуранинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ва аҳамиятини аниқлаш, унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган функциялар мавжудлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, прокуратуранинг қонунийлик устидан назоратига оператив-қидирув фаолияти ва жиноят-процессуал фаолиятнинг терговгача босқичларидаги назорат, жазо ижроси муассасаларида ҳуқуқбузарларнинг сақланиши устидан назорат ҳам киради. Бу соҳаларда прокуратура фуқаролар, жамият ва давлатни жиноятчиликдан ҳимоя қилишни ҳамда жиноят-процесс иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди.

Прокуратура назоратининг нафақат афзалликларини, балки унинг айрим камчиликларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, суднинг аҳамиятини ҳам камситиш мумкин эмас. Суд фуқаролар ҳуқуқларининг таъминланишида кўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади. Бироқ суд назоратининг объектив қонуниятлари нуқтаи назаридан, у ўз табиатига кўра прокурор назоратини тўлиқ алмаштира олмайди ва алмаштирмаслиги ҳам лозим. Чунки ҳам суд, ҳам прокуратуранинг асосий мақсади - фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашдир.

Жиноят содир этганлик учун жиноий таъқибни амалга ошириш прокуратура фаолиятининг яна бир муҳим вазифаси ҳисобланади. Қонунийлик устидан назорат қилиш функцияси фақат прокуратура органларига тегишли бўлгани ҳолда, жиноий таъқиб функцияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хос бўлиб, улар бу вазифани жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ амалга оширадилар.

Жиноий таъқибни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти доирасида прокуратура ўзига хос ўринни эгаллайди. Бир томондан, жиноят-процессуал қонунда айрим тоифадаги жиноятлар бўйича дастлабки тергов фақат прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Иккинчи томондан, прокурор жиноят ишини ўз иш юритувига қабул қилишга ёки уни қўйи турувчи прокурорга ёки бўйсунувчи терговчига топшириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 22-моддасига мувофиқ, Ҳақиқатни аниқлаш- бу суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

А. Ф. Козловнинг таъкидлашича, «жиноий таъқиб жиноятларни тергов қилиш устидан назорат жараёнида ҳам амалга оширилади; хусусан, прокурор жиноятчининг шахсини аниқлаш бўйича чоралар кўради, унинг ижтимоий хавфли қилмишларини квалификация қилиш, айбланувчи сифатида жалб этиш тўғрисида кўрсатмалар беради ва ҳоказо». [4]

Прокуратура назорати билан жиноий таъқиб функцияларининг бундай ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, прокуратура қандай ислохотларга учрамасин, унинг жиноятларни тергов қилиш бўйича ваколатлари, яъни дастлабки тергов шаклидаги фаолияти сақлаб қолиниши зарур. Чунки айрим ҳолларда мазкур ваколатларни амалга ошириш инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини назорат қилишнинг бир кўриниши бўлиши мумкин.

Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, процессуал соҳада суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан назоратни амалга ошириш жараёнида прокурор инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ жиноят ишларини мустақил равишда тергов қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу тариқа прокуратура органлари зиммасига юклатилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаларини амалга оширади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назоратнинг ривожланиш истикболлари нуқтаи назаридан, прокуратура органларида тергов аппаратининг мавжудлиги масаласи ҳам шунчалик муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни айнан прокуратура органлари томонидан тергов қилиниши, прокуратуранинг ишларни ўз вақтида тергов қилиш ва ишни суд муҳокамасигача етказиш учун жавобгарлигини таъминлайди. Бунинг ўзи,

масалан, далилларни етарлича тез тўпламаслик оқибатида уларнинг йўқолишига ва ишни дастлабки тергов босқичида тўхтатиб қўйишга йўл қўймасликка хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратуранинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан узвий боғлиқ. Прокуратурага жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган барча давлат тузилмалари ҳаракатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Бу кураш инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларига қарши йўналтирилган жиноятларга қарши курашни ўз ичига олади.

Шу муносабат билан прокурор ички ишлар органлари ва бошқа тегишли органларнинг жиноятларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотчи сифатидаги ролни бажаради.

Прокуратуранинг бундай масъулиятли функция билан таъминланиши бежиз эмас. Чунки прокуратура, аввало, қонунийлик устидан назорат қилувчи орган сифатида, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини таъминлайди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунларга амал қилиниши устидан назоратни амалга оширади ва ўзи ҳам жиноий таъқибни юритади.

Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги аниқ мувофиқликни, ўзаро тўлдирувчи ҳаракатларни таъминлаши лозим, бу эса фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган жиноятчиликка қарши самарали курашиш имконини беради.

А. Мыщыков қуйидагиларни таъкидлайди: «...айтилганлар, албатта, мувофиқлаштиришнинг бошқа йўналишларини ёки унинг вазифа ва аҳамиятига бошқа баҳо бериш имкониятини истисно этмайди. Аммо мен ишонаманки, бундай тушунчаларни ҳаддан ташқари кенгайтириш мумкин эмас. Акс ҳолда прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш вазифасини эмас, балки бутун ҳуқуқий тизимнинг раҳбари сифатидаги масъулиятни зиммасига олишга мажбур бўладилар». [5] Бу фикр билан баҳслашиш қийин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларига тажовуз қилувчи жиноятчиликка қарши кураш фаолияти қуйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг мувофиқлаштириш йиғилишларини ўтказиш;

- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича доимий ахборот алмашиш;
- жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича келишилган ҳаракатларни амалга ошириш учун жойларга биргаликда чиқишлар, текширувлар ва ёрдам кўрсатиш;
- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларни тергов қилиш учун тергов-оператив гуруҳларни тузиш;
- қўшма буйруқлар, кўрсатмалар, ахборот хатлари ва бошқа ташкилий-фармойиш ҳужжатларини тайёрлаш ва чиқариш;
- ярим йиллик ёки зарурат бўлганда истиқболли мувофиқлаштириш фаолияти режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Ҳамоҳанглик мақсадига эришиш учун прокуратура судлар билан ҳамкорликда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликка тортиш соҳасида ягона тергов-суд амалиётини ишлаб чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритилиши лозим, яъни прокурорларни ҳамоҳанглик фаолиятини бошқарувчи шахс сифатида ҳокимият ваколатлари билан таъминлаш керак. Бу ваколатлар таркибига жиноятчиликка қарши кураш бўйича келишилган тадбирларни бажармаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарини вазифаларини бажаришдан четлатиш ҳуқуқи ҳам киритилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

[1] Президент Шавкат Мирзиёев прокуратура органлари ходимлари кун муносабати билан прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади. 08 Январь 2024 . <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoev-prokuratura-organlari-khodimlari-kuni-munosabati-bilan-prokuratura-organlari-khodimlari-va-fakhrijlariga-tabrik-jolladi>

[2] Т. А. Диканова — «Современная концепция развития прокуратуры. Прокурорский надзор: учеб. для академ. бакалавриата и факультетов» (издание, содержащие обобщающие положения о целях и задачах надзора); Ун-т прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2019. – 296 с. – (Научные труды ученых Университета прокуратуры Российской Федерации).

[3] Н.В. Фаварисова — «К вопросу о цели и задачах прокурорского надзора за соблюдением социальных прав граждан» («Перо науки», 2021, № 30, с. 8-12).

[4] Козлов А.Ф. Прокурорский надзор Российской Федерации: Общая часть: Учеб. пособие. Екатеринбург: Изд-во УрГЮА, 1999. С. 36.

[5] Мыцыков А. Координационная деятельность прокуратуры: какой она должна быть? // Законность. 2005. № 5. С. 21.